

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИНИНГ ЗАРУРИЯТИ

Обидов Рахмонали Расулович

*Тошкент молия институтининг Бухгалтерия ҳисоби кафедраси в.б.доценти, PhD
Тошкент, Ўзбекистон. Email: mars.or@mail.ru*

THE NEED FOR INFORMATION IN THE ORGANIZATION OF ACCOUNTING

Obidov Rakhmonali Rasulovich

*PhD, Associate Professor Department of Accounting
Tashkent Institute of Finance, Tashkent, Uzbekistan
Email: mars.or@mail.ru*

JEL Classification: M1, M4, M41

Аннотация. Ушбу мақола мамлакатимизда минтақавий иқтисодий ривожлантиришнинг самарали механизмларини яратиш, яъни кластер моделига ўтиш ҳақида. Кластер модели - бу интеграция ва ҳамкорликнинг таъминлаш воситаси сифатида қараладиган иқтисодий механизм. Самарали ўзаро муносабатларни шакллантириш ва йўлга қўйиш мамлакат иқтисодий ривожланишнинг рақобатбардошлигини таъминлаш воситаси сифатида қараладиган иқтисодий механизм. Самарали ўзаро муносабатларни шакллантириш ва йўлга қўйиш мамлакат иқтисодий ривожланишнинг рақобатбардошлигини таъминлаш воситаси сифатида қараладиган иқтисодий механизм. Самарали ўзаро муносабатларни шакллантириш ва йўлга қўйиш мамлакат иқтисодий ривожланишнинг рақобатбардошлигини таъминлаш воситаси сифатида қараладиган иқтисодий механизм. Самарали ўзаро муносабатларни шакллантириш ва йўлга қўйиш мамлакат иқтисодий ривожланишнинг рақобатбардошлигини таъминлаш воситаси сифатида қараладиган иқтисодий механизм.

инфратузилмани ишлаб чиқариш босқичига ақс эттиради. Кластер тармоқлари географик жиҳатдан интеграциялашган ва уларни иқтисодий қолган қисми билан боғлайдиган оқимдан кучлироқ бўлган товарлар ва хизматлар оқими билан ўзаро боғланган. Кластерлар иш ўринларини таъминлаш ва шу ҳудуднинг меҳнат ресурсларини ишга жойлаштиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти иқтисодий тармоқларсиз устунсиз бинога ўхшайди. Дарҳақиқат, корхоналар фаолиятини бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби, маркетинг, ишлаб чиқаришни таъминлаш ва шунга ўхшаш иқтисодий соҳаларсиз таъминлаш этиб бўлмайди. Шунинг учун кластер корхоналарини бошқарув ҳисоби каби бухгалтерия ҳисобисиз таъминлаш мумкин эмас. Шундай экан, ҳар бир кластер тармоқига кирувчи корхоналарда бухгалтерия ҳисоби тўғри йўлга қўйилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Энг аввало, кластер шаклланиши шароитида самарали бошқарувнинг иқтисодий ахборот тизимини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда харажатлар ва даромадларни назорат қилиш, таъминот ва муассасалар учун

ягона ахборот майдони моделини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу ташилотларда менежерлар томонидан қабул қилинган бошқарув қарорлари корхонанинг кейинги тақдирини белгилайди, бу эса бухгалтерия ҳисобини тўғри ташикл этишни талаб қилади. Шу билан бирга, умумий иқтисодий вазиятнинг беқарорлиги, минтақавий бозорлар ва иқтисодий шароитларда таваккалчиликлар ва ноаниқликлар сонининг ортиши бошқарув қарорларининг мураккаблиги ва кўп қиррали асосланишига ҳам таъсир қилади. Шу билан бирга, мақола кластер тизимида бухгалтерия ҳисобини ташикл этиш ҳамда иқтисодий ахборот тизимини яратиш бўйича назарий ва амалий қараешларни ўрганишига бағишланган ва тегишли хулосалар чиқарилган.

Abstract. This article is about the establishment of effective mechanisms for the development of regional economies in the country, i.e. transition to the cluster model. The cluster model is an economic mechanism considered as an organizational and management form of integration and cooperation and a means of ensuring the competitiveness of regional economic development. The formation and establishment of effective mutual relations requires a deep understanding of the economic nature of the clustering processes of the country's economy. The organization of cluster enterprises provides a richer, more meaningful view of the growth of local industry and production in a given area than the traditional methods of using regional economic relations as a descriptive tool. An industrial cluster differs from the classical definition of industrial sectors because it reflects the entire value chain of a broadly

defined industry, from suppliers to the stage of final finished products, including supporting services and specialized infrastructure. Cluster industries are geographically integrated and interconnected by a flow of goods and services that is stronger than the flow connecting them to the rest of the economy. Clusters are also important in organizing workplaces and employing the labor resources of that region. Any business activity is like a building without pillars without economic sectors. In fact, the activities of enterprises cannot be organized without accounting, tax accounting, marketing, production organization and similar economic areas. Therefore, it is impossible to organize cluster enterprises without accounting, such as management accounting. Therefore, we believe that accounting should be properly organized in enterprises belonging to each cluster network. First of all, it is important to create an economic information system for effective management in the conditions of cluster formation. Today, it is necessary to control costs and revenues, develop a unified information space model for organizations and institutions. Management decisions made by managers in these organizations determine the further fate of the enterprise, which requires the correct organization of accounting. At the same time, the instability of the general economic situation, the increase in the number of risks and uncertainties in regional markets and economic conditions, which also affect the complexity and multidimensional justification of management decisions. At the same time, the article is devoted to the study of theoretical and practical views on the organization of accounting in the cluster system, as well as to the creation of an

economic information system, and appropriate conclusions are drawn.

Key words. Cluster, accounting in the cluster system, agricultural cluster, accounting information in the cluster system.

Кириш. Жахон тажрибалари барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда, инвестицион фаолликни оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда халқаро логистик марказлари, эркин иқтисодий зоналар қаторида, кластерларнинг ҳам ўрни ва аҳамияти жуда юқори эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан, экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра «бугунги кунда дунёдаги илғор давлатлар иқтисодиётининг қарийб 50 фоизи кластер усулига ўтган. Масалан, Европа Иттифоқида 2 мингдан зиёд кластерлар мавжуд бўлиб, уларда ишчи кучининг 38 фоизи қамраб олинган»[1]. Шунингдек, жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инвестицион фаолликни ва жозибадорликни ошириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлашда кластерларни кенг жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Кластерларнинг самарали фаолият юритиши, уларни оқилона бошқариш ва яратилаётган маҳсулотларнинг таннархини тўғри шакллантиришда харажатлар ҳисобини халқаро стандартлар ҳамда кластерларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш замонавий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бир сифатида намоён бўлмоқда.

Жахон амалиётида иқтисодиётни инновацион тараққий эттиришда, айниқса, иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли даражада фойда бера олмаётган ҳозирги даврда кластер назариясини амалиётга татбиқ этиш, унинг ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга

бағишланган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга кластерларда харажатларни таснифлаш ва ҳисобини юритишда уларни вужудга келиши ва иқтисодий мазмунига мослигини таъминлаш, кластер тизимидаги корхоналарнинг харажатлари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотларни шакллантириш, маҳсулот таннархини тўғри аниқлаш ҳамда молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларда улар тўғрисидаги ахборотларни ёритиб бериш каби масалалар замонавий илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда барча тармоқларда кластер тизимини жорий этишга алоҳида эътибор қилинмоқда ва бу ўз навбатида қатор вазифаларни белгилаб бермоқда. Хусусан, «...биз кейинги йилдан бошлаб пахта етиштиришни тўлиқ 100 фоиз кластер усулига ўтказишга қарор қилдик. Шу билан бирга, ғаллачилик, мева-сабзвотчилик, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва пиллачилик кластерларини ташкил қилиш ишларини изчил давом эттирамиз» [2]. Ўзбекистонда кластерлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилмоқда. Бироқ, кластерларда харажатлар ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари, маҳсулотлар таннархини аниқлаш услублари, харажатларни кластерлар мулкида асосий ўрин тутувчи асосий воситалар эскириши ва етиштирилаётган маҳсулотларни худудлар кесимида таннархини аниқлаш нуқтаи назардан ҳисобга олиш ҳамда ҳисоботларда акс эттириш долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда. Аммо, кластер тизимида фаолият юритаётган

хўжалик юритувчи субъектларда харажатлар ҳисобини уларнинг кластердаги хусусиятлари бўйича юритиш тартиблари, маҳсулотлар таннархини аниқлаш усулларининг ҳисоб сиёсатида ўз аксини топмаганлиги, шунингдек, харажатлар ҳисобини юритишда ягона услубий ёндашув мавжуд эмаслиги, барча турдаги бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар, даромадлар ва харажатлар тўғрисида бошқарувни тезкор маълумотлар билан таъминлаш бўйича рақамли технологияларнинг етарли эмаслиги кластер корхоналарида харажатлар ҳисобини хорижий тажрибаларга таянган ҳолда такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мазкур йўналишда чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришнинг долзарблилигини белгилайди.

Ривожланган давлатлар тажрибаларидан бизга маълумки, бугунги кунда мамлакатни янада ривожлантириш, иқтисодиётни юқори чўққиларга олиб чиқишнинг энг мақбул йўли сифатида кластер тизимидан кенг фойдаланмоқда. Мамлакатимизда кластер тизимининг барқарор ривожланиши, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ҳамда маҳсулотнинг сифатига таъсир қилмаган ҳолда таннархни пасайтиришга эришиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу боис, кластер тизимидаги sanoat кластерларини шакллантириш, самарали бошқарув учун иқтисодий ахборот тизимини яратиш муҳим ҳисобланади. Бугун харажатлар ва даромадларни назорат қилиш, ташкилотлар ва муассасалар учун ягона ахборот макон моделини ишлаб чиқиш заруриятини вужудга келтирмоқда. Ушбу

ташкилотларда менежерлар томонидан қабул қилинадиган бошқарув қарорлари корхона фаолиятини кейинги тақдирини белгилайди, бу эса бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этишни тақозо қилади. Шундай экан умумий иқтисодий вазиятнинг беқарорлиги, минтақавий бозорлар ва иқтисодий шароитлардаги хатарлар ва ноаниқликлар сонининг кўпайиши, бу ҳам бошқарув қарорларининг мураккаблиги ва кўп ўлчовли асосланишига таъсир қилади.

Материал ва метод. Мақоламизда ўзимиз учун янгилик ҳисобланаётган кластер корхоналари хусусида мулоҳаза юритадиган бўлсак, кластерлар бу - маълум ҳудуд (Ўзбекистон мисолида: вилоят, шаҳар, туман) ёки минтақада хом-ашёдан тайёр маҳсулотни якуний босқичига етказувчи, товарлар ва хизматлар экспорти орқали ўзаро боғлиқ тармоқ гуруҳлари деб тавсифлашимиз мумкин. Ҳозирги замонавий бозор иқтисодиёти кучли ишлаб чиқариш, рақобатбардошликни талаб қилаётган жорий даврда, унга мос келувчи корхоналарни бирлаштирувчи кластерларнинг ўзига хос ўрни борлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўз маърузасида “кластерларни танлашда чуқур қайта ишлаш даражаси ва инвестициялар ҳажми, фермерлар билан ҳисоб-китоб қилишда маблағнинг етарлилиги асосий мезонлар бўлиши зарурлигини” алоҳида таъкидлаган [3].

Бугунги кунда мамлакатда ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришни рағбатлантиришнинг самарали механизмларидан бири бу кластер моделига ўтишдир. Кластер - бу интеграция ва ҳамкорликнинг ташкилий

ва бошқарув шакли ва минтақавий иқтисодий ривожланишнинг рақобатбардошлигини таъминлаш воситаси сифатида қараладиган иқтисодий механизм ҳисобланади. Самарали ўзаро алоқаларни шакллантириш ва ўрнатиш мамлакат иқтисодиётини кластерлаш жараёнларининг иқтисодий моҳиятини чуқур англашни талаб қилади.

Бизга маълумки, ҳар қандай корхона фаолияти иқтисодий соҳаларсиз, устунларсиз қурилган бинога ўхшайди. Дарҳақиқат корхоналар фаолиятини бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби, маркетинг, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва шунга ўхшаш иқтисодий соҳаларсиз ташкил этиб бўлмайди. Шундай экан, кластер корхоналарини ҳам бухгалтерия ҳисоби, бошқарув ҳисоби каби ҳисобга оид соҳаларсиз ташкил этиш имконсиз. Шундай экан ташкил қилинадиган ҳар бир кластер тармоғига оид корхоналарда бухгалтерия ҳисоби тўғри ташкил қилиниши лозим деб ҳисоблаймиз.

Авваламбор, саноат кластерларини шакллантириш шароитида самарали бошқарув учун иқтисодий ахборот тизимини яратиш муҳим ҳисобланади. Бугун харажатлар ва даромадларни назорат қилиш, ташкилотлар ва муассасалар учун ягона ахборот макон моделини ишлаб чиқиш заруриятини вужудга келтирмоқда. Ушбу ташкилотларда менежерлар томонидан қабул қилинадиган бошқарув қарорлари корхона фаолиятини кейинги тақдирини белгилайди, бу эса бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этишни тақозо қилади. Шу билан бирга, умумий иқтисодий вазиятнинг беқарорлиги, минтақавий бозорлар ва иқтисодий шароитлардаги

хатарлар ва ноаниқликлар сонининг кўпайиши, бу ҳам бошқарув қарорларининг мураккаблиги ва кўп ўлчовли асосланишига таъсир қилади.

Натижа. Ахборотнинг бошқарув жараёнидаги аҳамияти унинг ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг барча соҳалари самарадорлигига таъсирининг кучайиши билан белгиланади. Д.Овидиянинг фикрича, барча керакли маълумотларнинг тахминан 50 фоизини асосан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари эгаллаган. Муаллифнинг фикрига кўра, ташкилотларда бошқарув тузилмалари учун бухгалтерия маълумотларига бўлган талабнинг улуши кам эмас[4].

Тадқиқотнинг ахборот манбаини илмий манбалар, интернет манбалари ва тадқиқотчиларнинг яқуний натижалари ташкил этади. Жумладан, айрим олимлар турли тармоқ саноат кластерлари мисолида бухгалтерия ҳисобига оид фикрларини бериб ўтишган.

В.В.Пансюнинг эътироф этишича, “бухгалтерия ҳисоби ва таннархни ҳисоблашда анъанавий ёндашувни такомиллаштириш зарурлигини кўплаб иқтисодчилар тасдиқламоқда” [5].

И.В.Харшева ва бошқалар талқинича, “Айни пайтда агросаноат мажмуасида тўлиқ батафсил ва тизимли ҳисобга олиш ва харажатларни ҳисоблаш методологиясининг йўқлиги ҳам хорижий, ҳам маҳаллий муаллифларнинг асарларида қайд этилган” [6].

Р.С.Шарма: “Ўсимликларни етиштиришда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишни кўриб чиқиб, олиб борилган тадқиқотларнинг айнан шу соҳада долзарблигини тасдиқлайди, чунки қишлоқ хўжалиги иқтисодиётда катта роль ўйнайди ва бошқа тармоқлар

учун хом ашё етказиб беради. Бухгалтерия тизимини яратишда турли хил экинларни етиштириш самарадорлиги кўрсаткичларига, шунинг учун харажатларни улар ўртасида тақсимланишига алоҳида эътибор бериш тавсия этилади” [7].

Г.Петелиннинг изланишлари қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг пасайишини асосий сабаблари сифатида бухгалтерия хизмати самарадорлигининг пасайиши, маълумотларнинг кўпайиб бориши ва ташкилотнинг фаолиятининг яхлит тасвирини олиш зарурлигини кўрсатмоқда[8].

Маҳаллий қишлоқ хўжалиги корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг ҳозирги ҳолати сифатли маълумотларнинг етишмаслиги билан ажралиб туради. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалиги корхоналарида фақат айрим воқеаларни ёки иқтисодий ҳаётнинг узоқ йиллик фактларини талқин қилиш мумкин ва корхона фаолиятидаги ривожланиш тенденцияларини аниқлаш мумкин эмас[9].

Ҳозирги иқтисодий шароитда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархини ишончли ҳисоблашга, шунингдек, уни пасайтириш йўлларида энг катта эътибор бериш керак. Бунинг сабаби шундаки, аксарият қишлоқ хўжалиги ташкилотлари учун ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари бозорида яшашнинг асосий стратегиясидир[1].

Эътибор билан қараладиган бўлса, бухгалтерия ҳисобига бўлган талаб, қишлоқ хўжалиги кластер корхоналаридаги заруриятдан келиб чиққан ҳолда иқтисодчи олимларнинг фикрларида намоён бўлмоқда. Шу билан

бирга, ҳозирги пайтда ташкилотнинг ахборот тизимини шакллантиришда нафақат технологик жараённинг ўзига хос хусусиятлари ва ички хатарлар, балки ташкилотнинг ташқи муҳит шароитлари ҳам ҳисобга олиниши керак.

Фикримизни давом эттирган ҳолда ахборот манбаини янада асослашга ҳаракат қиламиз, чунки замонавий бозор иқтисодиёти шароитида кластерларни бошқариш тизими ривожланиш стратегиясини шакллантириш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун янги ёндашувлардан фойдаланишни талаб қилади. Бошқариш самарадорлиги бухгалтерия тизимига тегишли бўлган муҳим маълумотларга боғлиқдир. Иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви ва ташқи муҳит ўзгариши стратегик йўналтирилган бухгалтерия ҳисоби яратиш зарурлигини олдиндан белгилаб беради. Кластер корхоналарида бухгалтерия маълумотларини яратиш зарурияти айрим иқтисодчилар томонидан ҳам таъкидланган.

А.А.Пелепенко бухгалтерия ҳисоби жараёнини кенгайтиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги гипотезани молиявий счётларга истикбол белгиларини кўшиш ва кластер ривожланишини рақобатбардош салоҳиятини максимал даражага кўтариш шартига бўйсундириш лозимлигини таъкидлайди. Фикрларини давом эттириб, кластерни ривожлантиришни акс эттириш принципини ҳисобга олган ҳолда бошқаришни таклиф этади, чунки кластер аъзоларининг ўзаро муносабатлари «ахборот менежменти» сифатида аниқланиши мумкин, бунда кластернинг бир аъзоси қарор қабул қилиш учун асосни бошқасига ўтказганда, яъни бундай асос бухгалтерия

ҳисоби маълумотларига асосланган ҳолда ўзгариши билан аниқланиши кераклигини таъкидлайди[9].

М.Дрогомеретскийнинг фикрига кўра, иқтисодийнинг аграр соҳасидаги кластерларни бошқариш тизимларини бухгалтерия ва аналитик қўллаб-қувватлаш босқичма-босқич шакллантирилиши керак, аммо шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг бизнес-жараёнлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ахборотга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Стратегик маълумотни шакллантириш учун улкан қишлоқ хўжалиги ташкилотларида тегишли мониторинг тизими яратилиши ва бошқарув ҳисоби доирасида стратегик бухгалтерия ҳисобидан фойдаланиш

мумкинлигига эътибор қаратиш лозим[10].

Хулоса. Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, кластер корхоналарининг олдида бухгалтерия ҳисоби тизимининг ахборот таъминотини шакллантириш вазифаси турганлигини куришимиз мумкин. Ахборотни қўллаб-қувватлашнинг таркибий қисми сифатида бухгалтерия маълумотлари муҳим аҳамиятга эга, шунинг учун бундай маълумотлар орқали айрим аъзолар ва бутун тузилманинг молиявий аҳволини режалаштириш ва башорат қилиш имкониятига эгамиз. Шунини таъкидлаш керакки, алоҳида кластер аъзосининг бухгалтерия тизими ахборот оқими интегратори ва бухгалтерия ҳисоби тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 4 февраль куни қишлоқ хўжалигида кластерлар фаолиятини янада ривожлантириш масалалари бўйича йиғилишдаги маърузаси.
2. D.Ovidia The role of management accounting in the decision making process: case study caraş severin county, *Annales Universitatis Apulensis Series Oeconomica*, 2013, vol. 15(2), pp. 355-366.
3. V.V. Panasyuk, Management accounting as a cost management mechanism in agricultural enterprises, *Approbation*, 2017, vol. №1 (52), pp. 137-139.
4. I.V. Harcheva, L.V. Postnikova, I.V. Makunina, A.V. Mirontseva, T.N. Gupalova, L.V. Evgrafova, A.V.Ukolova, E.I.Kuznetsova, Zh.A. Telegina, *Modern problems of information, accounting and financial support for sustainable development of agribusiness*. Moscow, 2015, 163 p.
5. R. S. Sharma, Accounting for Agriculture Department of ABST, *International Journal of Recent Research and Review*, 2012, Vol. II, pp. 62-66.
6. G.Petelin, Automation of accounting process in agriculture in: EFITA-WCCA-CIGR Conference Sustainable Agriculture through ICT Innovation, Turin, Italy, 2013, June, pp. 24-27.
7. R.A. Alborov, S.M. Kontsevaya, S. V. Kozmenkova, Background and modeling of management accounting in agriculture, *International Management Accounting*, 2015, vol.15(357), pp. 37-51



8. L.I.Horuzhiy, V.I.Horuzhiy, K.A.Dzhikiya, Accounting and information support for profitability management in the agricultural sector, in: Information support of economic security: problems and directions of development. Materials of the International scientific-practical conference., 2017, pp..230-241.

9. Pylypenko, A. A. Consolidation of accounting information in the reflexive management of the development of competitive potential of the tourist and recreational cluster. BusinessInform, 2012. pp. 48-51.

10. Drogomyretska. (2015). Accounting, Control and analysis in the conditions of institutional change and sustainable economic development: materials of International scientific and practical internet conference. Accounting and analytical support for the management system in cluster formations of the agrarian sector of economy, (pp. 57-59).